

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 35 (65911)
1996 йил, 25 май, шанба

Сотувда
эркин нархда




Ёз фасли болалар учун фаслларнинг энг асили! Чунки ёзда уларнинг таътили бошланади. Ҳар тонг барвақт туриб мактаб сари ошиқиш, дарс тайёрлаш, олинган «ёмон»роқ баҳоларни туғрилаш ташвиши йуқ. Тест синовлари-ю ёзма ишлар ортда қолди. Кимлар учундир бу ўқув йили муваффақиятли якунланган бўлса, яна кимларнингдир чорақ, йиллик, якуний баҳоларидан бир оз кўнгиллари тўлмай турибди. Бошланган ёзги таътил кунлари эса келаси ўқув йилида аълочи синфдошлари қаторидан урин олишлари учун айнаи ўқиб-урганиш ўтилганларни яна бир бор такрорлаб олиш учун жу-

да қулай фурсат.

Мактабга отланиш, дарс тайёрлаш уқитувчининг турли топшириқларини бажариш ҳаёлларидан чекиниб, шаталоқ отиб уйинга ошиқаётган болакайларга боқиб, ҳавасингиз келади. Ҳар бир қуёшли тонг уларга таътилнинг такрорланмас завқу шавқини, қувончини улашайверсин, дейсиз.

Сиз суратда қуриб турган мана бу ўғил-қизларнинг ҳам бу йилги таътил кунлари кўнгилдагидек бошланди. Уларни кутубхоналару сулим оромгоҳлар, ҳунар тўғарақлари-ю чўмилиш ҳавзалари, болалар ижодиёти марказлари-ю сайлгоҳлар ўз бағрига чорлаётгани рост бўлсин.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.



Ҳеч эсимдан чиқаролмаяпман. Ахир ўқитувчимни алладим-а!..

Эрталаб ўқишга отланар эканман, ойим:

—Имилламай тезроқ бул, Расул, бир пиёла булса-да, чой ичиб кетгин, — дедилар. Бугагни эшитдим, иштаҳам бўғилди-қолди. Рост-да, ҳалеб уни-бунни е деяверадими? Нарса ти-

қиштирсалар егим келмай қолди-да.

Имиллаб юз-қулим, тишларимни ювдим, сочимни ҳуллаб, узок текислаб тарадим, дарс жалвалини алмаштирдим (кечқурун алмаштиргим келмайди-да). Ниҳоят, нонуштага утирай деган

пайтда, дарс бошланишига оз қолди. Кетдим.

Иккинчи соатга киришим биланоқ қорним очгандай булди. Учинчи соатда ичакларим чунонам чулдирадики, ён-веримдаги синфдошларимдан уяла бошладим. Ўқитувчимизга

«Ошқозоним оғришти» дея жавоб сурадим. Улар «медпунктга бор» дедилар. Мактабимиз шифокори, қачондан буён, қанақа тарзда оғриётганини суради. «Қорним очган пайтда тез-тез оғриб туради» дедим. Қандайдир қоп-қора, тугмача дори берди.

Оғзимга солдим, ташқарига чиқиб туфлаб ташладим. Яна синфга кирдим, кейингисида яна медпунктга, хуллас у ёқ-бу ёққа икки-уч бор бориб келдим. Уйга жавоб текканда дарслар ҳам охирлаб қолганди. Қаранг, овора булганим, устозимни аллаганим қолди, холос.

Расул РАХМАТОВ,
Тошкент шахри.

Ўз ҳақингизда ёза оласизми?

Одамизот асли шунақа. Қалбининг энг тубида ҳеч кимга айта олмайдиган ноёб сир-асрорлари бўлади. Бундан бизга мактуб йўллаган болажонлар ҳам ҳоли эмас эканлар. Гарчи улар ўз манзил, исми-шарифларини аниқ ёзмаган бўлсалар-да, дилларидагини хатга тушириб, кўнгиллари ёришган бўлса ажаб эмас.

булди. Кечқурун дадамга ҳисобот вақтида дарс эмас, олтамиш минутли қушиқлар сузларининг ҳаммаси ёдимда қолганига ҳайрон қолдим.

Сайфи НАЗАРОВ,
Ангрен шахри.

КАРРА ЖАДВАЛИ

Одам яхши нарсдан кўра ёмон нарсага кўпроқ урганишига эътибор берганмисиз? «Бошингга ҳар иш тушса, тилингдан кўр», деганларидек, тилимдан тугилдим-да. Дам олиш кунни дадамнинг олдиларида узимни курсатиш учун дарс тайёрлашга киришдим.

— Ака, қарашиб юборинг, математикадан чиқаролмаяпман — дедим бошқаларнинг эътиборини тортиш учун.

Дадам ялт этиб мен томонга қарадилар. Кейин:

— Ис, Сайфижон, туртинчи синфда ўқисанг ҳам ҳалигача карра жадвалини билмайсанми? — дедилар.

Ҳа, тилим-а, дадам карра жадвалини бир бошдан сураб қолсалар буладими? Табиийки, айтолмадим.

— Бугун сенга топширик, кечқурун жадвалнинг қасридан сурасам ҳам ёддан айтадиган булгин! — дедилар-да, кучага чиқиб кетдилар.

Ҳаммага мултиллаб қарадим, аммо бу борада ҳеч ким ёрдам бера олмасди.

Уйдагилар тегишли юмуш билан тарқалишди, ёлғиз қолдим. Жадвални қулимга ҳам олгим келмасди. Акамнинг магнитофонини ёқдим. Рус тилида ёзилган «Ҳазил қушиқлар» кассетасини куйдим. Кузим жадвалда-ю, ҳаёлим қушиқ сузларида. Булмади. Магнитофонни учириб ўқий бошладим, кейин яна ёқдим, яна учирдим. Шу алфозда кеч

МАҚТОВ ЭШИТМОҚЧИ ЭДИМ...

Мақтов кимга ҳам ёқмайди, дейсиз. Айниқса менга ойимнинг олқишлари жуда ёқади. Лекин ойим Башорат опамни мақтаганларида жуда ғалати бўлиб кетаман. Қани энди Башор опамнинг урнига мен бўлиб қолсам, деб уйлайман. Бир кун мен ҳам уй ишларини қилиб олқиш олмоқчи булдим. Эрталаб ҳаммадан барвақт туриб у ёқ-бу ёқларни йиғиштирдим, супурдим, чойнак-пиёсаларни ярақлатиб ювдим, нонушта тайёрладим.

Бироқ ҳеч ким менинг ишларимга аҳамият бермасди, гуё улар ҳеч нарсани кўришмасди.

— Малоҳат қизим, сен ҳали кичкинасан, уй юмушларини қилишни Башор опангдан ўргангин, узингча бир юмуш қилмагин. Мана, қарагин, уй супурибсан — чала, пиёла ювибсан — доғлари яхши кетмаган. Курпачаларни йиғибса — қингир-қийшиқ. Опанг энди буларнинг ҳаммасини бошқатдан қилади.

Онажоним бугапларни қанчалик мени аяб, меҳр билан айтган булмасинлар, хурсанд қилмади. «Менинг опамдан қасрим кам?» деган уй тинчлик бермасди.

Орадан бир ҳафта утгач, опам мактабдан йиглаб қайтди. Математика ёзма ишидан уч олганмиш.

«Ажаб бўпти» дедим ичимда.

— Вой, нега куласан? — деган овоздан чучиб тушдим. «Сени ким айтади сингил деб, мен йиғласаму сен куласанми?»

Башор опам шундай деб уйга кириб кетди. Аммо уларнинг «нега куласан» деган гапларига тушуна олмасдим. Ахир сираям кулганим йўқ эди-ку!

Малоҳат СЎПИЕВА,
Наманган шахри.



Соғ юрак - тоғ юрак

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТ — ЭҲМ



1990 йил сира ёдимдан чиқмайди. Ушанда мактабимиз ўқувчилари «Қувноқ стартлар» республика спорт мусобақаларида биринчилиكنи олишган эди. Мукофотга берилган 12 донна компьютер билан бир хона жиҳозланиб, синф очилганди.

Орадан йиллар утди. Бу муддатда билим даргоҳимиз спортчилари ҳамон пешқадамликни қўлдан бермай аллақанча совринларга эга булдилар. Ҳозирги кунларда синфдошларим ҳам яхши-яхши натижаларга эришяптилар. Кўни кеча улар туманда бўлиб утган мактаблараро спорт беллашувлари-

да ғолиб булди. «Бизнинг орамиздан ҳам келажакда олимпиадачилар етишиб чиқади» дейишмоқда улар.

Дилдора АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидан 40-мактаб ўқувчиси

Боболаримиз билан фахрланамиз

ТЎРТТАДАН ЭНГ САРАСИ

Бобомиз Абдурауф Фитрат. Қатагон қилинган юлдузларимиз орасидаги энг ёрқинларидан бири. Шоир, олим, адиб, драматург, хуллас юк-



сак савиядаги зиёли инсон эдилар. Мактабимизда яқинда булган адабий кеча Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишланди. Унда 11-«А», «Б», «В» ҳамда «Г» синфларидан иборат тўрт гуруҳ беллашди. Қизиқарли куч си-нашишларасосида утган мусобақада 11-«Б» синф ўқувчиси Аслиддин Суннатов узининг билимдонлиги, саволларга аниқ ва мазмунли жавоб қайтаришлари билан олқишга сазовор булди.

Кеча охирида Абдурауф Фитратнинг «Абдулфайзхон», «Ҳинд ихтилолчилари» асарлари асосида қуйилган сахна кўринишлари томошабинларга маъқул булди.

Мўътабар САНАЕВА,
Ғиждувон туманидаги
3-мактаб ўқувчиси.



«БУ САФАРГИСИ ДУРУСТ»

Ҳозиргина тикиб битказган куйлагининг этагини бостираётган Шоиста онасининг (паст овозда бўлсада) чақиришидан чучиб тушди. Игнанинг уткир учи бармоғига ботиб зирқиратди.

— Ҳозир, ойижон! — деди-ю югурганича уйдан чиқди.

— Эшиттириш бошланди, овозингни узинг ҳам эшитгин, девдим...

Шоҳида опа қизининг чехрасида аллақандай хорғинликни пайқайди-ю, гап оҳангини ўзгартирди.

— Яна туни билан ухламай куйлак тиккансан шеклилли?

— Йўқ, ойижон, китоб ўқидим.

Она-боланинг савол-жавоби шу ерга етганда радиодан Шоистанинг товуши жараңлади: «Боболаримиз ўғити...»


Улар чурқ этмай кулок солишди.

— Бу сафар дуруст қизим, — деди ниҳоят Шоҳида опа қизига жилмайиб қараркан, — аввал кунги насиҳатим таъсир қилибди. Фақат яна бир гап, бунда нам вазминроқ ўқишга ҳаракат қил. Ҳаяжон, ўз-ўзига озгина бўлса-да ишончсизлик суҳандоннинг душмани.

ЭҲ, ҲАЯЖОН, ҲАЯЖОН

«Ўзбекистон радиоси ёш дикторлар танловини эълон қилади». Бу сузлар мактаб ўқувчиси Шоиста қалбини алақасерини жимирлатиб юборди. Чунки куп маротаба эълон қилинадиган ушбу танловда иштирок этиш унинг анчадан буёнги орзуси эди-да, Тугри, у шифокор бўлишни алақачоноқ аниқ мақсад қилиб қуйган. Лекин инсоннинг ҳамма нарсани ўрганиши

Шоиста Муҳаммаджонова. Бу помни сиз Ўзбекистон радиосининг «Келажак тонги» эшиттиришини олиб борувчи ёш дикторлар қаторида кўп бора эшитгансиз. Тенгдошингиз ўқишда илғор бичиш-тикиш, лаззатли таомлар пиширишни ҳам ўринлатади. Тошкентдаги медицинани чуқур ўрганишга ихтисослашган 310-лицей мактабда ўқийди. Ушбу ҳикоямиз Шоиста ҳақида.



Мустақил юрт болалари иқтидорлидир



га-узи.

— Қизим, сенинг овозинг маъқул, эшиттиришга тушди, лезкин... Ҳа, майли, яна келиб туравергин, кейин кўрармиз. «Келажак тонги»нинг тажрибали режиссёри Собир Саидов сузининг дастлабки даромади кўнглига чироқ ёққан бўлса, охири «пуф» этиб учириб кўя қолди.

— Хафа бўлма, Собир акага овозинг маъқул бўлди, албатта у ёгини эплаб кетасан, — даяда берди Шоирадан аввалроқ қабул қилинган ёш суҳандонлардан бири.

— Эҳ, ҳаяжон, ҳаяжон! — деб кўйди Шоиста «Радио уйи» биносидан чиқаркан.

машқини бажарамиз, — дедилар Азиз ака, ўз одатига кура тез-тез гапириб. «Кузларингизни юминг, чуқур нафас олинг, нафасни аввал ўнг қўлингизга, кейин чап қўлингизга, сўнг оёқларингизга юборинг. Кузларингизни очинг»...

Устоз айтган сабоқни такрорлаган болалар вужудига бардамлик, хотиржамлик, аллақандай енгиллик югурди.

КАМТАРЛИК

Синфда химия дарси борарди. Ўқитувчи Мастура опа йўқламадан сўнг ўтган дарсни болалардан сураб баҳолади. Янги темани тушунтирди, сўнг масала счишга навбат

Диктор бўлишни истаган қизга

АЗИЗ АКАНИНГ САБОҒИ

«Маориф ва тарбия» бош муҳарририясида ниҳоятда дилкаш, тиниб-тинчимас, болажон устозлардан бири Азиз ака Ёқубовдир. Кўнларнинг бирида Шоиста, яна бошқа бир нечта «янги»лар бестоқатлик билан ўз синов навбатларини кутишарди.

— Ие, бекор утирибсизларми, келинлар, овоз созлаш

етганда ўқувчилар рўйхатига куз югуртирди.

— Муҳаммаджонова Шоиста, қани масала счишда синфдошларингга кумаклашворчи? — деди.

Шоиста масала қондасини тушунтира-тушунтира счиб бўлгач, ўқитувчига қаради.

— Баракалла қизим, утир, баҳонинг «беш». Тўхта-тўхта, эрталаб радиода сен гапираётганмидинг, ёш суҳандонлар деб исмингни эълон қилиш-

ди. Оббо сен-ей, ҳаммасига улгураяпман, дегин.

Устоз меҳр билан шоғирдининг елкасидан кучди.

— Жа, ортиқча камтарлик ҳам мактанчоқлик, у анчадан буён радиода дикторлик қилаёпти! — овоз келди синфдошлар орасидан.

СУНГГИ СУЗ

Биз Шоистанинг баъзи фазилятлари, орзу йўлидаги ҳаракатларини қисқа воқеалар орқали баён қилдик. У Тошкентдаги араб тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган 22-мактабнинг 9-синфини «Алло даражадаги гувоҳнома» билан битириб, 310-лицейда ўқимокда. Дикторликда ҳам уч ярим йиллик тажрибаси бор. У ёш дикторлар Насиба Исломова, Шаҳноза Соатова, Нилуфар Самигова, Нигора Усмоналиева билан бирга бир қанча шоғирдлар ҳам тайёрлашган. Улар — «Якшанбада дам оламиз», «Соғломжон-полвонжон», «Хуросқанд»-эшиттиришларининг ёш дикторлари Шерзод, Нодир, Жаҳонгир ва бошқалардир.

Шоиста суҳандон сифатида анча тажрибага эга бўлиб қолган бўлса-да, ҳамон изланиш, ўқиш, ўрганишдан чарчамайди. Бунда унга иқтидорли режиссёрлар Рихсивой ака Мирзараҳимов, Собир Содиқов, тажрибали муҳаррирлар Насиба опа Зиёвуддинова, Ҳафиза опа Ҳайитметова ва бошқалар ўз маслаҳатлари, сабоқлари билан ёрдам бераяптилар. Шоистанинг ўзи эса «Экология ва саломатлик», «Соғломжон — полвонжон», «Бола ва дунё» эшиттиришларида мунтазам ва фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳа, айтгандай, Шоистанинг яна бир эзгу орзуси бор. У ҳам бўлса, дугоналари билан биргаликда телевиденида болалар учун ажойиб бир курсатув тайёрлаш.

Орзуингиз йўлдошингиз бўлсин, иқтидорли болалар.

Т. СОЛИЕВА.

Ибрат

ВЕЛОСИПЕД МИНГАН БОБО

Сармозорлик Абдурайим бобонинг ёши саксонни қоралаб қолган. Унинг шу ёшга бориб «бир ерим огрийди» дея шикоят қилганини биров билмайди. Сабаби, у эрта баҳордан то кеч кузгача 20 сотихча келадиган томорқасида меҳнат қилади. Богда ўрик, олма, узум, анор, хуллас меваларнинг аллақанча турлари бор.

Қишлоқ болалари эрта баҳордан кеч кузгача шу ердан аримайди. Бобо уларга кучат экиш, анор ва токни кузда қандай кумиш, баҳорда очиш, хомток қилиш, кераксиз шохларни қирқиб ташлаш, ҳатто

майиз ва туршак тайёрлаш, анор, узум, беҳиларни қишга сақлашгача — барини ўргатадилар.

— Отахон, якка қизингиз Водилга турмушга чиқиб кетган бўлса, ягона ўглингиз Тошкентда яшаса, бир ўзингизга шунча меҳнат қилишнинг нима кераги бор? — суради бир куни қизиқувчилардан бири.

Бобо оппоқ соқолини селкилатганича шахт билан деворга суяб қўйилган велосипедга миниб жунаб қолди.

Тожибой МҲМИНОВ,
Фарғона вилояти,
Охунбобоев тумани.




Сой соҳили сўлим — сўлим

ЙЎЛДОШ СУЛАЙМОН

Ўзбекистон байроғи
Кўзларимнинг қароғи,
Юз курсатдинг жаҳонга
Тоза диллар чароғон!

Орзуларинг чўғи бор,
Темур бобом руҳи бор
Эллар ичра тенг элнинг
Бугун шундай туғи бор.

Сенда порлаб турар ой,
Ҳеч ухшаши йўқ чирой.
Салобату жозибанг
Ҳикматларга бунча
бой.



ЎЗБЕКИСТОН
БАЙРОҒИ



Ун иккита юлдузим,
Чарақлаган кундузим.
Бу — гуруру дил сўзим,
Бу — менинг ёруғ юзим.

Йўлларимнинг
нурисан,
Муҳаббатим кўрисан.
Одабийлик баҳсининг
Ҳамишалик зурисан.

Сен мардона тугимсан,
Менинг борим-
йўгимсан
Даъваткорсан ҳамиша,
Юракдаги чўгимсан!



Ҳав олисла — Подшоҳда,
Серб қовун, ҳандалак.
Лекин унга боришга,
Сира дов бермас юрак.

Болаларга
аталган шеърлар

Қаранг, ёлгон сузлаб мен,
Олқин олдим уша кеч.
Бироқ укам юзига,
Қараб бўлмаяпти ҳеч.



ЎЗУМ ЎҚИМАН

ИККИ ОВЧИ

Икки мерган овчи туқайга, айиқ овига отландилар. Бир жойда айиқнинг инини куриб, севиниб кетишди. Бир овчи инга кириб қараса, айиқ боласи ётган экан. Овчи хурсандчилигидан, шеригини чақирди: «Айиқнинг боласини тутдим». «Тутган булсанг, бу ёққа олиб чиқ» деди шериги.

«Судрасам, чиқмаяпти» дея қичқирди ичкаридаги овчи. «Ундай булса, узинг чиқ» бақирди унга жавобан шериги. «Айиқ боласи қўйиб юбормаяптида» деди биринчи овчи.

ЎЖАР БОҒЛА

Бир одамнинг ниҳоятда ўжар ўғли бор экан. Ота-онасининг сузига кирмас, доимо уз билганидан қолмас экан. Отаси «бор кучага» деса, чиқмай безрайиб утираверар экан. «Уйда утир» деса, кучага чиқиб кетар экан. Бир кун отаси билан дарё лабида сайр қилиб юрган экан, отаси тошга қоқилиб, дарёга тушиб кетибди. Ўғлим доимо айтганимнинг тескарисини бажаради, деган уй билан: «Ўғлим, мени дарёнинг чуқурроқ ерига итариб юбор» дебди. Ўғли эса қўқиб кетганидан, дадаси нима буюрса, шуни бажарибди. Отасини дарёнинг чуқурроқ ерига итариб юборибди. Боланинг қайсарлиги панд бериб, отаси ҳалок бўлибди, узи эса етим бўлиб қолибди.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

МЕНИНГ ЁШИМ
НЕЧАДА?

Ота-боболаримиз бизга жуда кўп буюк мерос қолдирганлар. Шулардан бири бутун Шарқда кенг тарқалган тақвимдир. Ҳаммамизга маълумки мучал ун икки йил бўлиб, у ун икки жонзотнинг номи билан аталади. Боболаримиз бир кеча «кундузи ҳам ун иккига бўлиб ушбу жонзотлар номи билан атаганлар. Бундан ташқари бизнинг оташпараст боболаримиз ҳар ойни ўттиз кунга бўлиб уларнинг ҳам ҳаммасига ном бериб чиққанлар. Шундай экан, «Мен тўрт мучални босиб ўтдим. Ит ва тўнғиз йилида туғилган укаларим бор. Ўз мучалимдан бир-икки йил олдин келадиган жондор ойининг ваҳрам куни соат бадиқдан чорак ўтганда дунёга келганман».

Айтингчи, қайси йили, қайси ой ва нечанчи кун, соат нечада дунёга келганман?

ҚИЗИҚАРЛИ
ЖУМБОҚЛАР

Тақани болта билан икки марта уриб, олти булакка бўла олмасизми? ***

Алифбосида энг кўп ҳарф бўлган халқни биласизми? ***

Таркибида «С» витамини энг кўп бўлган усимликни биласизми? ***

Биринчи майтнклик соатни ким уйлаб топган? ***

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ

Бадқовоқ қоровулнинг
Бор қопагон Тўртқузи.
Яқинлашсак чайлага,
Ириллаб ташлар узин.

Қуйида — йўл бошида,
Яна битта полиз бор.
Бирам дилкаш эгаси,
Ширинсуз ва беозор.

Қоровул амакининг,
Йўқ Олапар, Тўртқузи.
Яқин борсак: «Келинг»,
Кулиб қаршилар узи.



Дадам қайтса, бу ишни,
Ким қилди? — деб суради.
Дадил туриб: — Мен, —
Укам ерга қаради.

Хизмат сафари дея,
Дадам кетгач олиса.
Икки бора Нормумин,
Сув таради полизга.



Жам бўлишар барчаси,
Лой сувоқли айвонга.
Буви олма улашар,
Етти етим ўғлонга.

Баъзан мева озгина
Кам бўлиб қолса агар.
Тўнғич Туроб урнидан,
Туриб кетар ҳар сафар,

— Эна, негандир олма,
Егим келмас сира ҳам.
Майлими, ташқарида
Жиндеккина уйнасам.

Бу бегубор ёлгонни,
Сезади буви пинҳон.
Олма кавшар чуғурлаб,
Юпунгина олтовлон.

Содиқжон Иноятов,
Хоразм вилояти.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида

АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0257.
7691 нусхада босилди.
Қўғоз бичими — А-3.
Босишга тошириш вақти 19.00
Тошириш — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

Телефон:
33-44-25

